

Арафа кунининг рўзаси



14:00 / 14.06.2024 41563

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **«Арафа кунининг рўзаси минг куннинг рўзаси кабидир»**, дедилар».

Абу Қатода розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Арафа кунининг рўзаси икки йилга каффоратдир: ундан олдинги ва ундан кейинги йилга...»**, дедилар».

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Арафа кунининг рўзаси сабабли Аллоҳ таоло ундан олдинги бир йил ва ундан кейинги бир йилни**

каффорат қилишини умид қиламан», дедилар».

Масала: Зулҳижжанинг тўққизинчи куни, яъни арафа куни рўза тутиш улкан савобларга сабаб бўлади. У сабабли бир йил олдинги ва бир йил кейинги гуноҳлар кечирилади. Агар зулҳижжа ойини дастлабки кунларидан то тўққизинчи кунига қадар рўза тутилса, нур устига аъло нур бўлади.

Зулҳижжанинг ўнинчи кундан ўн учинчи кунигача, яъни тўрт кун рўза тутиш ҳаромдир. Шу боис дастлабки тўққиз кунда рўза тутиш фазилатлидир.

Islom.uz портали таҳририяти